

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**155** «Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1974-1*

*(2011 йил 23 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (1)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2011 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 51-сон, 485-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 3 сентябрдаги ПҚ–1398-сон «2010 йил ҳосили пахта хом ашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, 9-сон, 371-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 1 майдаги 50, 2009-19-сон «Пахта толаси ва линтни экспортга ва республика корхоналарига реализация қилишда қўшилган қиймат солиғини ҳисобварақ-фактураларда акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1974, 2009 йил 26 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 26-сон, 307-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**15 (463)-сон**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2011 йил 4 апрель,  
26-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2011 йил 4 апрель,  
2011-13-сон

— 27 —

**155-156-моддалар**

**Р. АЗИМОВ**

**Б. ПАРПИЕВ**

